

Лондонда 1920-йили киш пайти Пикаделли кўчасини кесиб ўтган бир чоррахада яхши кийинган ўрта ёшли икки киши бир зум тўхташди. Улар хозиргина кимматбаҳо бир ресторандан чиккан эдилар. У ерда икковлари кечки овкатдан сўнг шаробхўрлик килишган, Дрюрилен театрининг артисткалари билан хазиллашиб валаклашгандилар. Енди ерда харакатсиз ётган, тепасига одамлар йигила бошлаган эски кийимли йигирма беш ёшлардаги йигит уларнинг эътиборини тортди.

— Стилтон! — Семиз жентелмен ўзининг баланд бўйли ошнаси ерда ётган одамга синчиклаб караётганини кўриб, жирканиш билан унинг енгидан торткилади. — Ростини айтсан, шу ўлакса одам шунча ўралашишга арзимайди. У маст ёки ўлган.

— Мен очман... хам тирикман, - гўлдиради у бечора бадбаҳт ва ниманидир ўйлаб колган Стилтонга кўз ташламокчи бўлиб сал ўрнидан кўтарилиди. — Хушдан кетиб, йикилибман, шекилли.

— Реймар! — деди Стилтон. — Роса хазилбоп воеа бу. Менда бир кизик фикр тугилди. Бир хил эрмаклар жонимга тегди. Факат бир йўл: одамларни ўйинчок киладиган хазил — энг яхши хазил.

Бу сўзлар шу кадар секин айтилдики, хозиргина ерда ётган, энди эса панжарага суюниб турган одам буларни эшитмади.

Хамма нарсага локайд карайдиган Реймар энсаси котиб, елкаларини кисди, Стилтон билан хайрлашиб, тунни ўтказиш учун ўрганган клубига караб йўл олди. Стилтон эса одамларнинг тахсини остида ва полисменнинг ёрдами билан холсиз одамни кеб (битта деразали усти ёпик арава)га ўтказди.

Файтон Гай кўчасидаги карvonсаройли ресторанга караб кетди. Дайдининг оти Жон Ив экан. Ирландиядан Лондонга хизматми, ишми излаб келибди. Ив етимликда бир ўрмончининг хонадонида тарбияланибди. Бошлангич мактабдан кейин хеч кандай маълумот олмабди. Ив 15 ёшга кирганда, тарбиячиси вафот этибди. Ўрмончининг катта болалари кими Америкага, кими Жанубий Уелсга, кими Оврўпога кетиб колишибди, шундан кейин Ив хам бир фермернинг кўлида ишлай бошлабди. Сўнгра шахтёр (кўмир казувчи), денгизчи, ковокхона хизматчиси каби ишларнинг тузини тотишга тўгри келибди, 22 ёшида ўпкаси шамоллаб, каттик касалланибди, касалхонадан чиккач, Лондонга келиб, баҳтини синаб кўришга аҳд килибди. Аммо ракобат ва ишсизлик туфайли тезда иш топиш осон эмаслигини кўрибди. У истироҳат боллари, бандаргоҳларда тунар, кундан-кунга кўпроқ оч коларди, натижада озиб-тўзиб, рамакижон бўлиб кетибди. Ситидаги савдо омборларининг бошлиги Стилтон уни юкорида кўрганимиздай кўтариб олганди.

40 ёшли Стилтон шу пайтгача кўнок ва овкат ташвишини билмайдиган, пулга нима килиш мумкин бўлса, ўшанинг хаммасини килиб юрган бўйдок киши эди. У 20 миллион фунтлик мол-мулк эгаси эди. Унинг Ив учун ўйлаб топган майнавозчилик хазили жуда арзимаган бир иш эди, аммо Стилтон ўз ихтироси билан гурурланар-ди, чунки ўзини жуда катта тасаввур кобилиятига эга ва мугомбirona ўй-хаёллар устаси деб билишни ёқтиради. Ив озрок мусаллас ичиб, иштаха билан ул-бул еб олгач, Стилтон хаёлида ўзи тўкиган тарихни гапириб берди.

— Сизга бир таклифим бор, айтсан, шу ондаёк кўзингиз чакнаб кетади. Диккат билан эшитинг: мен сизга ўн фунт бераман, шарт шуки, сиз эртагаёк марказий кўчаларнинг биридан бир хонани ижарага оласиз. Деразаси кўчага караган, ўзи иккинчи каватда

бўлсин.

Хар куни кечкурун роппа-роса соат бешдан кечаси ўн иккигача хар доим битта дераза токкасида яшил калпокли чирок ёкилган бўлиши керак. Чирок белгиланган муддатда ёниб тураркан, сиз соат бешдан ўн иккигача уйдан чикмайсиз, хеч кимни уйга киритмайсиз, хеч ким билан гаплашмайсиз. Бир сўз билан айтганда, кийинмас. Агар рози бўлсангиз, мен сизга хар ойда ўн фунтдан юбориб тураман. Сизга кимлигимни айтмайман.

Ив дахшатли даражада хайратга тушди.

— Агар хазиллашмаётган бўлсангиз, — деб жавоб берди у, — хатто мен ўз номимни унутишга хам тайёрман. Аммо, мумкин бўлса, айтинг-чи, менинг бундай тинч хаётим канча давом этади?

— Буниси номаълум. Эҳтимол, бир йил, балки, умр бўйи давом этар.

— Янаям яхши. Аммо сўраганим учун айбга кўшманг – бу яшил иллюминатсия (чарогбонлик) сизга нима учун зарур бўлиб колди?

— Сир! – деб жавоб берди Стилтон. — Буюк сир! Чирок сиз хеч качон тушуниб етмайдиган одамлар ва ишлар учун ишора бўлиб хизмат киласди.

— Тушундим. Тўгрироги, хеч нарсага тушунмадим. Яхши: пулни чўзинг ва билиб кўйинг: эртагаёқ мен маълум килган манзилда Жон Ив чирок билан деразани ёритиб кўяди!

Шу тариқа галати битим тузилди, сўнгра дайди билан миллионер бир-бирларидан мамнун холда хайрлашдилар.

Хайрлашаётганда Стилтон шундай деди:

— Йўклаб олинадиган хатга мана бундай: «3-33-6» деб ёзинг. Яна бир нарсани ёдингизда тутинг, балки бир ойдан кейин, балки бир йилдан кейин, качонлиги номаълум, кискаси, хеч кутилмаганда сизни зиёрат килгани одамлар келишади ва сизни бой килиб юборишади. Бу нима учун ва кандай бўлишини сизга изохлашга хаким йўк.

Аммо бу воеа, албатта, содир бўлади...

Ив Стилтонни олиб кетаётган файтонга караб:

— Жин урсин, — деб мингиллаб кўиди ва хаёлга ботганча кўлидаги ўн фунтлик пулни айлантириб кўрди. — Ё бу одам аклдан озди, ёки мен ўта баҳтли одамларданман! Бор-йўги кунига ярим литр керосин ёкиб битказишим учун шунча мархамат ато килса-я! Ертасига Ривер кўчасидаги 52-уйнинг иккинчи каватидаги бир дераза майнингина яшил ёгду тарата бошлади. Чирок деразанинг кесакисига такаб кўйилганди.

Каршидаги уйнинг йўлкасида икки йўловчи бирмунча вакт яшил деразага караб туришди, кейин Стилтон шундай деди:

— Мана, кўрдингизми, азизим Реймар, зериккан пайтларингизда шу ерга келинг ва жилмайиб кўйинг. Дераза ортида, анов уйда бир ахмок ўтирибди. Арzon гаровга сотиб олинган, хакини бўлиб-бўлиб берса бўладиган, узок вактгача шу холда тутиб туришинг мумкин бўлган бир ахмок. Зерикканидан бора-бора майхўр бўлиб кетади ёки аклдан озади... Лекин ўзи билмаган нарсасини кутиб яшайди. Ана ўзи, кара!

Чиндан хам, деразага манглайини босиб турган одамнинг кора шарпаси ярим коронги кўчага караб турарди, худдики: «Ким у ерда? Нима киламан кутиб? Ким келаркин» деб сўраётганга ўхшарди.

— Аммо сиз хам ахмоккинасиз, азизим, - деди Реймар, ошнасини кўлтиклаб автомобил томонга тортиб кетаркан. — Бу хазилнинг нима кизиги бор?

— Ўйинчок... тирик одамдан ўйинчок, - деди Стилтон, - энг мазали таом бу!

II

1928-йилда Лондоннинг чекка дахаларидан бирида жойлашган камбагаллар касалхонаси бирдан дахшатли ох-вохлар билан тўлди: хозиргина келтирилган кари чол, юзлари озиб-тўзиб кетган, ифлос ва ёмон кийинган бир одам каттик оғрикка чидаёлмай дод-вой соларди. У коронги бир бузукхонанинг кора зинапоясида кокилиб кетиб, оёги синибди. Шўрликни кўриқдан ўтказаркан, тўқималарда дархол бошланган шамоллаш жараёнини кўрган жарроҳ уни оператсия килиш керак, деган хуносага келди. Оператсия муваффакиятли ўтди, чолни ўринга олиб келиб ёткизиши. У тезда уйкуга кетди, уйгонгандан эса олдида ўзини ўнг оёқдан маҳрум килган ўша жарроҳ ўтирганини кўрди. —Учрашган жойимизни каранг-а! — деди доктор, кўз карашлари маъюс новча киши, жиддий бир охангда. — Мени танияпсизми, мистер Стилтон: Мен — Жон Ивман, сиз менга хар куни ёник турган яшил чирок ёнида навбатчилик килишни топширгандингиз. Мен сизни бир кўришда танидим.

—Кандай бемаънилик! - гўлдиради Стилтон унга тикилиб. — Нима бўлди ўзи? Шундай хам бўладими хеч?

— Ха. Сизнинг хаёт тарзингизни нима ўзгартириб юборди, хаммасини гапириб беринг.

— Мен хонавайрон бўлдим... устма-уст катта-катта ютказиклар... биржада вахима бўлиб кетди... Мана гадойга айланганимга уч йил бўлди. Сиз-чи? Сиз кандай яшадингиз?

— Мен чирокни бир неча йилгача ёкиб юрдим, - жилмайди Ив, — олдинига зерикканимдан ўкишга тутиндим, бора-бора китоб ўкишга шунчалик каттик кизикиб кетдимки, кўлимга нимаки тушса, кириб ўкидим. Бир куни, ўша ўзим яшаган уйнинг токчасида ётган эски анатомия китобини очиб ўкидим-у, хайратга тушдим. Менинг олдимда инсон вужудининг бир-биридан кизикарли сирлар мамлакати кашф бўлди. Мен худди маст одамлардай, бутун тун бўйи шу китобга кадалиб ўтирдим. Эрталаб эса кутубхонага жўнадим: «Доктор бўлиш учун нималарни билиш керак?» — деб сўрадим. Мени масхара килгандай: «Математика, геометрия, ботаника, зоология, морфология, кимё, биология, фармакология, лотин тили ва хоказоларни ўрганинг», — деб жавоб кайтаришди. Аммо мен кайсаарлик билан суриштиравердим ва хаммасини ўзим учун хотирамга кайд килиб кўйдим.

Ўша пайтларда мен икки йилдан бери яшил чирокни ёкиб кўяётган эдим, бир куни эса, кечга караб кайтаётганда (мен энди олдингидай хеч каёкка чикмасдан 7 соат уйда ўтиришим шарт эмас, деб хисоблардим), бошига силиндр кийган бир кишини кўриб колдим, у менинг яшил чирогимга ачинибми, жирканибми карар эди.

«Ив – антика бир ахмок!» — деб гўлдиради ўша одам мени пайкамай. — У ваъда килинган гаройиб нарсаларни кутяпти... ха, у лоакал нимадандир умидвор, мен бўлсам... мен деярли хонавайрон бўлдим!» Шундай деб валдираган одам сиз эдингиз. Сиз яна: «Ахмокона хазил. Пулни елга совурмасам бўларкан» — деб кўйдингиз.

Мен хеч нимага карамай ўкиш, ўкиш ва яна ўкиш учун етарлича китоблар сотиб олган эдим. Ўшанда мен сизни уриб ташлашимга сал колди, аммо сизнинг масхара килишга

каратилган саховатингиз туфайли маълумотли одам бўлганимнинг хотирини килдим...

— Кейин-чи?

— Кейин? Яхши бўлди. Агар одамда истак кучли бўлса, у амалга ошиши хеч гап эмас экан. Мен билан бир хонада бир талаба йигит яшарди. У менга хамдам-хамнафас бўлди ва менга хар тарафлама ёрдам бериб турди, бир йилдан кейин тиббиёт коллежига кириш учун имтихон топширдим. Кўриб турибсиз, кобилиятли одам эканман...

Ўртага жимлик чўкди.

— Мен кўпдан деразангиз олдига келмай кўйгандим, — деб тан олди Ивнинг хикоясидан ларзага тушган Стилтон, — кўпдан буён... анчадан бери. Аммо, назаримда, энди у ерда тун коронгилигига ёгду таратувчи яшил чирок хамон ёниб тургандек... Мени кечиринг. Ив чўнтак соатини чикарди.

— Соат ўн. Айни ухлайдиган пайтингиз, — деди у. — Тахминан уч хафталардан кейин касалхонадан кетишингиз мумкин. Ўшанда менга кўнгирок килинг, — эҳтимол, мен сизга амбулаториямиздан бирон иш топиб берарман: келган-кетган касалларнинг исми-шарифларини дафтарга кайд килиб ўтирасиз. Коронги зиналардан тушаётганда эса, хеч бўлмаса бир гугурт ёкинг...

Русчадан Миразиз Аъзам таржимаси